



15-у.г. «18» сент. 2016

№ 1168-К

Самарканд туман “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конирил агротехсервис” профирмаси ҳудудидан фуқаро Бахронов Рустамга савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа тиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа қидирув институтининг 2015 йил 15 июлдаги 07-15/38-435 сонли баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 14 июлдаги 1326 сонли ҳулосаси ва фуқаро Бахронов Рустамнинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конирил агротехсервис” профирмаси ер харитасининг 360 контуридан фуқаро Бахронов Рустамга савдо дўкони қуриш учун жами 100 кв метр (шундан: 100 кв метр туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида қойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Бахронов Рустамга савдо дўкони бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
5. Фуқаро Бахронов Рустам томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган ҳолатда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров